

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

529 «Хўжаликлар томонидан улар ихтиёрида қолдирил-
ладиган пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотла-
рини сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»-
ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1193-1*

(2012 йил 24 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ–456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) ва 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ–842-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳ-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

сулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 130-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Молия вазирлигининг 2002 йил 5 декабрдаги 6-0/8, 202, ЭГ-01/01-4902, 136-сон «Хўжаликлар томонидан улар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотларини сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1193, 2002 йил 5 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 23-24-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2012 йил 5 ноябрь,
12-сон

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

З. РЎЗИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 5 ноябрь,
5/4-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 5 ноябрь,
ЭГ-01/10-6731-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 5 ноябрь,
78-сон

46-47 (546-547)-сон

— 55 —

529-530-моддалар

Келишилди:

*«Ўзпахтасаноат»
уюшмаси раиси*

2012 йил 19 октябрь

*Ўзбекистон фермер
хўжаликлари уюшмаси*

2012 йил 19 октябрь

Ф. ОМОНОВ

Ф. БЕРДИЕВ